Стратегик ва минтақаларо тадқиқотлар институти КУТУБХОНАСИ

Халқ сўзи

Ўзбекистон – келажаги буюк давлат

1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган • WWW.XS.UZ • E-mail: Info@xs.uz • 2015 йил 14 январь, № 8 (6191) Чоршанба

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ҚУРОЛЛИ КУЧЛАРИ ТАШКИЛ ЭТИЛГАНИНИНГ 23 ЙИЛЛИГИ МУНОСАБАТИ БИЛАН ВАТАН ҲИМОЯЧИЛАРИГА БАЙРАМ ТАБРИГИ

Ҳурматли аскар ва сержантлар, офицер ва генераллар, Қуролли Кучларимиз фахрийлари, қадрли юртдошлар!

Сизларни мамлакатимиз ҳаётидаги қутлуғ сана — Ватан ҳимоячилари куни ва Қуролли Кучларимиз ташкил этилганининг 23 йиллиги билан чин қалбимдан самимий муборакбод этиш менга улкан мамнуният бағишлайди.

Мустақил демократик Ўзбекистон давлатини барпо этиш ва ривожлантириш бўйича биз босиб ўтган буюк ва шонли йўл миллий армиямизнинг — ён-атрофимиздаги мураккаб ва таҳликали вазиятда тобланган, Ватанимиз мустақиллиги, суверенитети, унинг ҳудудий яхлитлиги, халқимизнинг тинч-осойишта ҳаётининг ҳамиша ишончли кафолати бўлиб келган ва бугунги кунда ҳам шундай бўлиб қолаётганини неча бор исботлаб берган мамлакатимиз Қуролли Кучларининг шаклланиши билан узвий ва чамбарчас боғлиқ ҳолда кечди, деб айтишга бугун барча асосларимиз бор. Ҳар қандай давлатнинг куч-қудрати ва имкониятларига унинг армиясининг жанговар қобилияти ва жанговар тайёргарлигига қараб баҳо берилиши бежиз эмас ва бундай қараш мустаҳкам асосга эгадир.

Биз суверен Ўзбекистоннинг Қуролли Кучларини ташкил этиш жараёнида ҳарбий қурилиш соҳасида мерос бўлиб қолган тажрибадан тўғридан-тўғри нусха кўчиришдан воз кечиб, аниқ ва реал геостратегик ва геосиёсий шароитни, замонавий урушлар ва қуролли можароларнинг қандай хусусиятларга эга эканини ҳар томонлама ҳисобга олдик, Марказий Осиё минтақасида юз бериши мумкин бўлган ҳарбий ҳаракатлар театрининг ўзига хос жиҳатлари таҳлилидан келиб чиқиб иш тутдик ва шунингдек, ўзимизнинг азалий миллий фазилат ва анъаналаримизга таяндик.

Ҳарбий қурилиш, қўшинларнинг хизмат-жанговар фаолиятини ташкил этиш соҳасидаги илғор хорижий тажриба ва замонавий ҳарбий санъат ютуқларини чуқур ўрганиш ва улардан фойдаланиш асосида ишлаб чиқилган, босқичма-босқич ва ўзаро боғлиқ ислоҳотлар дастурларини самарали ва изчил амалга ошириш армиямизни ташкил этишнинг кўп жиҳатдан ҳал қилувчи шарти ва гарови бўлди.

Шу маънода, хорижий давлатларнинг мудофаа идоралари билан ўзаро ҳамкорликни чуқурлаштириш бизнинг энг муҳим устувор вазифамиз бўлиб қолмоқда. Ана шундай хорижий мудофаа идоралари билан ўзаро манфаатли шериклик муносабатлари ўрнатилган бўлиб, бундай ҳамкорлик кенгайиб бормоқда, икки томонлама ҳарбий ва ҳарбий-техникавий ҳамкорлик доирасидаги йиллик режалар амалга оширилмоқда.

Бизнинг Қуролли Кучлар қурилиши борасидаги режаларимизга мувофиқ, ҳарбий қўшинларни модернизация қилиш ва уларни энг янги қурол-яроғ ва техника, жумладан, ҳаво ҳужумидан мудофаа воситалари ва вертолётлар, бронетанк қуроллари, артиллерия тизимлари, алоқа воситалари, алоҳида ва гуруҳ бўлиб ҳимояланиш воситалари билан қайта қуроллантириш қаратилган чора-тадбирларни изчил амалга оширмоқдамиз.

Ҳеч шубҳасиз, илғор ахборот-коммуникация технологиялари соҳасидаги замонавий ютуқлардан фойдаланган ҳолда, ўқув жараёнларига таълимнинг инновацион шакл ва усулларини жорий этиш орқали Қуролли Кучлар академияси, ҳарбий билим юртлари, сержантлар тайёрлаш мактабларида ҳарбий кадрларни тайёрлаш тизимини энг янги методлар асосида такомиллаштириш борасидаги узлуксиз ишларимиз долзарб аҳамиятга эгадир.

Шу маънода, офицер ва сержантлар таркибининг профессионал малакасини оширишда етакчи хорижий давлатлар армияларидаги ҳарбий хизматчиларни тайёрлаш ва уларнинг хизмат фаолиятини ташкил этиш тизимини чуқур ўрганиш ҳамда бу тизимни бизнинг шароитимизга мослаб жорий этиш катта ижобий роль ўйнаганини қайд этиш лозим.

Бу соҳада амалга оширилаётган аниқ чора-тадбирлар туфайли мамлакатимиз офицерлар таркиби ўзининг дунёқараши, билим ва тажрибасини доимий равишда кенгайтириб, юксак касбий малака ва маънавий-ахлоқий фазилатларга, мантиқий фикрлаш қобилиятига эга бўлиб бормоқда ва ўз олдида турган вазифаларни ҳал этишда ностандарт ёндашувларни фаол қўллашга қодир бўлмоқда. Сержантлар сўзда эмас, амалда офицерларнинг энг ишончли ва яқин ёрдамчиси ҳамда таянчига, аскарларимизнинг меҳрибон мураббийсига айланди, десак, ҳеч қандай муболаға бўлмайди.

Мудофаа қурилиши соҳасида бошқарув органлари ва қўшинларнинг оператив ва жанговар тайёргарлик тизимини янада ривожлантириш ва такомиллаштириш асосий вазифалардан бири бўлиб қолмоқда. Бугунги ҳарбий ўқув машғулотлари мустақилликнинг биринчи йилларида ўтказилган машқлардан тубдан фарқ қилади. Йилдан-йилга жанговар шароитларга энг кўп даражада яқинлаштирилган ҳолда ўтказилаётган бундай ўқув машғулотлари қўшинлар тайёргарлигининг бутун тизимини танқидий таҳлил қилиш, ҳар бир батальон ва взводнинг имкониятларини, шунингдек, жанговар вазифаларни бажаришда танланган усулларнинг мақсадга мувофиқлиги ва мавжуд вазиятга айнан мос келишини бўлинмаларнинг бир-бирининг ўрнини қай даражада боса олиши ва шахсий таркибнинг ўзаро яқин бўлган турдош мутахассисликларни қанчалик пухта эгаллагани нуқтаи назаридан баҳолаш имконини беради.

Миллий армиямизни шакллантириш ва ислоҳ қилиш жараёнида тўпланган тажрибани барча тоифадаги ҳарбий хизматчилар, чақириқ ёшига етмаган ўғлонларимиз ўртасида ҳар томонлама тарғиб қилиш ва аниқ мақсадга йўналтирилган ишларни ташкил этишда кенг қўллаш фаолиятимизнинг муҳим йўналиши ҳисобланади. Армияда хизмат қилиш ёш авлодимиз учун алоҳида маъно-мазмунга эга бўлиб, унинг нуфузи тобора ортиб бормоқда. Бундай хизматнинг жозибадорлиги фақат яратиб берилаётган имтиёзлар ва ҳарбий хизматчиларнинг ижтимоий ва моддий жиҳатдан юқори даражада таъминлангани билангина боғлиқ эмас, албатта. Бу, авваламбор, армия ёш авлодимиз учун ҳақиқатан ҳам мардлик ва мустаҳкам иродани, юксак ватанпарварлик туйғусини, Ватанимизга севги ва садоқат ҳисларини тарбиялайдиган ҳаёт мактабига айлангани билан изоҳланади.

Мустақиллик йилларида ҳар томонлама тайёргарликка эга ва армияда чиниқиш мактабини ўтаган, ҳар қандай фурсатда Ватан ҳимояси учун тайёр бўлган бутун бир авлод вояга етди ва мустаҳкам оёққа турди, деб ғурур ва ифтихор билан таъкидлашимиз мумкин.

Ҳарбий хизматчиларни уйжой билан таъминлаш, уларнинг ижтимоий-маиший, яшаш ва хизматни ўташ шароитларини яхшилашга қаратилган давлат дастурларини амалга ошириш алоҳида аҳамиятга молик вазифа бўлиб қолмоқда. Ўз ҳаётини ушбу шарафли касбга бағишлаган ҳар бир ҳарбий хизматчи яхши билиши шарт: унинг муаммолари эътиборсиз қолмайди ва оиласининг тинчлиги ва фаровонлиги ишончли равишда кафолатланган.

Юртимизда 2015 йилнинг Кексаларни эъзозлаш йили деб эълон қилиниши биздан уруш қатнашчилари ва Қуролли Кучларимиз фахрийларини моддий ва ижтимоий қўллаб-қувватлашни янада кучайтириш, уларга ҳар томонлама ғамхўрлик, чинакам инсоний меҳр ва эътибор кўрсатишга қаратилган ҳукумат қарорлари ва давлат дастурларини сўзсиз бажаришни талаб қилади.

Бугунги кунда кўплаб муҳтарам фахрийлар ва устозларимиз ўзининг ноёб тажрибаси, билим ва малакасини Ватан ҳимоячиларининг янги авлодига ўргатиб, мамлакатимизни ривожлантиришда фаол иштирок этмоқда.

Шуни унутмаслигимиз керакки, ҳарбий хизматчиларнинг ҳар жиҳатдан фаровон ҳаёти — мамлакатимизда ҳарбий хизматнинг нуфузи ва обрў-эътибори нақадар юксак эканини намоён этадиган энг ёрқин кўрсаткичдир.

Ҳурматли ватандошлар!

Бугунги кунда бизнинг яқин ва олис ён-атрофимизда вужудга келаётган вазиятга баҳо берар эканмиз, халқаро хавфсизлик ва барқарорликка таҳдидларнинг кўлами кенгайиб бораётганини, яъни, пайдо бўлаётган қарама-қаршиликларни ҳал этишда куч ишлатишга зўр бериш устунлик қилаётгани, хом ашё ресурслари ва коммуникациялар устидан назорат қилиш бўйича геосиёсий рақобатнинг ошгани, ядро технологиялари ва оммавий қирғин қуролларининг тарқалиши, халқаро терроризм ва экстремизмнинг кенг тарқалаётган экспансиясининг фаоллашуви, миллатлар ва конфессиялараро можароларнинг кучаяётганини эътироф этмаслик мумкин эмас.

Дунёнинг турли минтақаларида вужудга келаётган хавф-хатар, низо ва зиддиятлар ҳамда қарама-қаршиликлар тобора кучайиб бораётганини, улар тинч йўл билан ҳал этилмасдан, аксинча, кескинлашаётганини афсус билан тан олишга мажбурмиз.

АЙСАФ деб ном олган тинчликпарвар кучларнинг Афғонистондан олиб чиқиб кетилиши Марказий Осиё минтақасидаги барча мамлакатлар учун жиддий синовга айланмоқда. Ироқдаги аччиқ тажриба яққол кўрсатганидек, Афғонистонда юзага келадиган ҳар қандай бўшлиқни бу минтақанинг катта ҳудудига ўзининг вайронкор таъсирини ёйишга қодир бўлган турли бузғунчи ва террорчи гуруҳлар, фанатик кучлар қисқа фурсатда эгаллаб олиши мумкин.

Бугунги кунда ноанъанавий таҳдидлар халқаро можароларнинг қиёфасини бутунлай ўзгартирмоқда ва информацион-психологик хуружлар сезиларли хавф-хатар туғдирмоқда. Улар армиямизнинг негизига путур етказиш, аввало, унинг маънавий-ахлоқий асосларига таъсир ўтказишга уриниш ва шунингдек, замонавий интернет технологиялардан фойдаланиш орқали бизнинг бунёдкорлик руҳидаги бой маданиятимиз, маънавий қадрият ва анъаналаримизга мутлақо зид бўлган бузғунчи ғоя ва тушунчаларни ёшларимизнинг онгу тафаккурига сингдиришга қаратилгани билан айниқса хатарлидир.

Шунинг учун минтақамизда ва бутун дунёда мураккаб ва олдиндан айтиб бўлмайдиган вазият вужудга келган бир шароитда хушёр ва огоҳ бўлиш, эришилган натижалардан хотиржамлик туйғусига берилмаслик, Қуролли Кучларимизни янада изчил ислоҳ қилиш бўйича қатъий саъй-ҳаракатларимизни давом эттириш, чегараларимизда кескинликни келтириб чиқариши мумкин бўлган барча уринишларнинг олдини олиш борасида миллий армиямизнинг тайёргарлигини кучайтириш, биз танлаб олган тараққиёт йўлига қарши қаратилган ҳар қандай тажовузкор ҳаракатларга ўз вақтида ва муносиб зарба бериш ўта муҳим, деб ҳисоблайман.

Шу муносабат билан Ўзбекистон Республикаси ўзининг тинчликсевар сиёсатига ҳамиша содиқ бўлиб келганини ва шундай бўлиб қолишини яна бир бор таъкидлаш зарур. Бизнинг Ҳарбий доктринамиз мудофаа хусусиятига эга бўлиб, Қуролли Кучларимизни мустаҳкамлаш, биринчи навбатда, давлат суверенитети ва мамлакатимиз ҳудудий яхлитлигини, одамларимизнинг тинчлиги ва осойишталигини ҳимоя қилишга йўналтирилгандир. Мамлакатимиз Мудофаа доктринасига кўра, бизнинг армиямиз Ўзбекистон Республикасидан ташқаридаги ҳарбий ҳаракатлар ва операцияларда иштирок этмайди.

Қадрли дўстлар!

Мана шу қутлуғ байрам айёмида сиз, азизларни Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучлари ташкил этилганининг 23 йиллиги билан яна бир бор чин қалбимдан табриклайман. Барча ҳарбий хизматчилар — аскар ва сержантлар, офицер ва генералларга, шунингдек, Қуролли Кучларимиз фахрийларига, мутахассис фуқароларга, ўз тақдирини она-Ватанимизни ҳимоя қилишдек муқаддас, шарафли ва масъулиятли бурчни адо этишга бағишлаган барча-барча инсонларга фидокорона хизматлари учун самимий миннатдорлик билдираман.

Янги — 2015 йилда барчангизга мустаҳкам соғлиқ, бахт ва омад ёр бўлсин!

Ислом КАРИМОВ,
Ўзбекистон Республикаси Президенти,
Қуролли Кучлар Олий Бош Қўмондони.

14 январь — Ватан ҳимоячилари куни

ЮРТИМИЗ ТИНЧЛИГИНИНГ МУСТАҲКАМ ҚАЛҚОНЛАРИ

Пойтахтимиздаги "Туркистон" саройида Ватан ҳимоячилари куни ҳамда Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучлари ташкил этилганининг 23 йиллигига бағишланган тантанали маросим бўлиб ўтди. Шу муносабат билан бу ерга аскар ва сержантлар, курсантлар, офицерлар, генераллар, Қуролли Кучларимиз фахрийлари ва жамоатчилик вакиллари ташриф буюрди.

Тантанали маросимни Тошкент шаҳар ҳокими Р. Усмонов очди.

Ўзбекистон Республикаси Давлат мадҳияси янгради.

Ўзбекистон Республикаси Президенти, Қуролли Кучлар Олий Бош Қўмондони Ислом Каримовнинг Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучлари ташкил этилганининг 23 йиллиги муносабати билан Ватан ҳимоячиларига байрам табригини Ўзбекистон Республикаси мудофаа вазири Қ. Бердиев ўқиб эшиттирди.

Ҳар қандай эзгу мақсаднинг амалга ошиши, аввало, жамиятдаги тинчлик ва хотиржамликка боғлиқ. Бу барча замонларда ўз исботини топган ҳаётий ҳақиқатдир. Айниқса, ҳозирги глобаллашув даврида инсоният осойишталиклнинг қадр-қимматини, унинг нақадар улуғ неъмат эканлигини янада теранроқ англаб етмоқда. Чунки бугун дунёда кескинлик ва хавф-хатарлар тобора ўсиб, геосиёсий қарама-қаршиликлар, радикализм, терроризм ва экстремизм каби таҳдидлар кучайиб бораяпти, молиявий-иқтисодий инқироз ҳамон давом этмоқда. Бундай воқеа-ҳодисалар бизни тўғри хулоса чиқаришга, ҳушёр ва огоҳ бўлишга, шукроналик ҳисси билан яшашга, истиқлолимизни, қўлга киритган аҳамияти бебаҳо ютуқларимизни қадрлаш, уни кўз қорачиғидек асраб-авайлашга ундайди.

Ўтган йиллар мобайнида мамлакатимизда "ўзбек модели" деб ном олган мустақил тараққиёт йўлимиз асосида осмонимиз мусаффолигини сақлаш, иқтисодиётимизни ривожлантириш ва халқимиз турмуш фаровонлигини ошириш борасида улкан натижаларга эришилди. Ана шу ютуқларимизда Қуролли Кучларимизнинг ҳам алоҳида ўрни бор. Чунки миллий армиямиз юртимиз мустақиллиги, унинг хавфсизлиги ва ҳудудий яхлитлигининг ишончли кафолатидир. Бу Конституциямизда ҳам ўз ифодасини топган. Жумладан, Асосий Қонунимизда белгилаб қўйилганидек, "Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучлари Ўзбекистон Республикасининг давлат суверенитетини ва ҳудудий яхлитлигини, аҳолининг тинч ҳаёти ва хавфсизлигини ҳимоя қилиш учун тузилади". Ушбу мезон асосида шакллантирилган профессионал армиямиз сафларида бугун Ватанга садоқатли, жисмоний ва маънавий жиҳатдан етук, мард ўғлонлар хизмат қилмоқда.

(Давоми 2-бетда).

ПАРЛАМЕНТ ҲАЁТИ

Аввал хабар қилинганидек, куни кеча Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасининг биринчи мажлиси бўлиб ўтди. Унда Президентимиз Ислом Каримов нутқ сўзлади. Мамлакатимизда амалга оширилаётган кенг қўламли ислоҳотлар мазмун-моҳияти, жамият ҳаётининг турли жабҳаларида эришилаётган ютуқ ва марралар атрофлича очиб берилган ушбу нутқ кенг жамоатчилигимиз томонидан катта қизиқиш билан қутиб олинди. Буни сиёсий партияларнинг парламентимиз қуйи палатасидаги фракциялари аъзолари фикрларидан ҳам билиш мумкин.

МАМЛАКАТ РАВНАҚИ, АҲОЛИ ФАРОВОНЛИГИ — БОШ МЕЗОН

Одинахон ЖАМОЛДИНОВА, Тадбиркорлар ва ишбилармонлар ҳаракати — Ўзбекистон Либерал-демократик партиясининг Қонунчилик палатасидаги фракцияси аъзоси:

— Президентимиз Ислом Каримовнинг Қонунчилик палатасининг биринчи мажлисидаги нутқини эшитиб, Ўзбекистон эришаётган ютуқ ва марралар замирида ётган машаққатли меҳнат, мустақиллигимизни мустаҳкамлаш йўлида олиб борилган қатъий ва дадил сиёсатнинг моҳияти ҳақида янада кенгроқ тасаввурга эга бўлдик.

Дарҳақиқат, Юртбошимиз алоҳида қайд этганидек, бугунги кунда, аввало, халқимизнинг машаққатли ва фидокорона меҳнати ҳисобидан эришаётган ютуқ ва марраларимизни дўстларимиз ҳам, мухолифларимиз ҳам тан олмоқда, ислоҳотларимиз самарасини жаҳон ҳамжамияти эътироф этмоқда.

Давлатимиз раҳбари ташаббуси билан тадрижий, босқичма-босқич ривожланиш йўли танлаб олингани, унинг қатъий амалга оширилгани бугун ўз натижасини бермоқда. Зеро, мустақилликнинг биринчи кунларидан бошлаб мамлакат иқтисодиётини мустаҳкамлаш, аҳолининг турмуш даражаси ва фаровонлигини оширишга алоҳида эътибор қаратилди.

(Давоми 2-бетда).

Солиқ юкини пасайтириш

мамлакатимизда олиб борилаётган иқтисодий сиёсатнинг бош мақсадидир

ҚАРОР ВА ИЖРО

Кеча "Ўзэкспомарказ" мажмуасида солиқ ва бюджет сиёсатининг 2015 йилги асосий йўналишларидан келиб чиқиб, солиқ қонунчилигига киритилган ўзгартиш ва қўшимчалар, шунингдек, тадбиркорлик субъектларига яратилаётган қулай шарт-шароитлар мазмун-моҳияти тарғиботига бағишланган кўргазмали семинар иш бошлади.

Унда Тошкент шаҳри ва вилоятида фаолият кўрсатаётган тадбиркорлик субъектлари раҳбарлари ва бош бухгалтерлари, хорижий давлатларнинг мамлакатимиздаги элчихоналари вакиллари иштирок этмоқда.

(Давоми 3-бетда).

ЮРТИМИЗ ТИНЧЛИГИНИНГ МУСТАҲКАМ ҚАЛҚОНЛАРИ

(Давоми. Бошланиши 1-бетда).

Дарҳақиқат, ҳар бир давлатнинг мустақиллиги, хавфсизлиги, чегаралари дахлсизлигини, аввало, унинг армияси, Қуролли Кучлари ҳимоя қилиши лозим. Шу боис ҳам истиқлолнинг илк йиллариданоқ мамлакатимиз мудофаасини таъминлаш масаласи давлатимиз сиёсатининг энг муҳим устувор йўналишларидан бири сифатида белгилаб олинди. Чунончи, Президентимизнинг 1991 йил 6 сентябрдаги Фармони билан Мудофаа ишлари вазирлиги ташкил этилди. 1992 йил 14 январь куни юртимиз ҳудудида жойлашган барча ҳарбий тузилмалар Ўзбекистон Республикаси юрисдикциясига ўтказилди. Ўша кундан эътиборан миллий армиямизга асос солинди.

Ўтган давр мобайнида ҳаётга татбиқ этилган кенг кўламли ислоҳотлар туфайли мамлакатимиз хавфсизлиги ва барқарорлигини, сарҳадларимиз дахлсизлигини ишончли ҳимоя қилишга қодир бўлган, ҳаракатчан, замонавий талабларга жавоб берадиган, яхши тайёргарликка эга армиямиз шаклланди. Қуролли Кучларимизни ташкил этиш ҳамда бошқаришнинг мутлақо янги тизими вужудга келди, унинг сафини тўлдириш такомиллаштирилди. Муддатли ҳарбий хизматга чақирувнинг бир йилда бир марта ташкил этилаётгани, қўшинларда шартнома асосида хизмат қилаётганлар таркибининг сезиларли даражада кенгайгани, сафарбарлик чақируви резервидаги ҳарбий хизматнинг жорий этилгани армиямизнинг қиёфасини, ҳарбий жамоалардаги маънавий муҳитни тубдан ўзгартирди.

Бугунги кун ҳарбийлардан нафақат жисмоний тайёргарликка, балки юксак ақл-идрок, интеллектуал салоҳият, алоҳида руҳий-маънавий хусусият ва фазилатларга эга бўлишни, ахборот-компьютер технологияларининг сир-асрорларини пухта билишни тақозо этади. Ушбу жиҳатлар мамлакатимиздаги ҳарбий қисмлар, сержантлар тайёрлаш мактаблари, олий ҳарбий таълим муассасаларидаги ўқув жараёнларида алоҳида эътиборга олинган. Хусусан, Тошкент олий умумқўшин қўмондонлик билим юрти, Чирчиқ олий танк қўмондонлик-муҳандислик билим юрти, Самарқанд олий ҳарбий автомобиль қўмондонлик-муҳандислик билим юрти, Жиззах олий ҳарбий авиация билим юрти, Тошкент ахборот технологиялари университети Махсус факультети, Тошкент тиббиёт академияси ҳузуридаги Ҳарбий-тиббиёт факультетидан профессионал, назарий ва амалий билимларни пухта эгаллаган юксак салоҳиятли офицер кадрлар етишиб чиқмоқда. Бундан ташқари, 1995 йилда Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучлари академияси очилди. Марказий Осиёда ягона ҳисобланган мазкур даргоҳ зиммасига олий қўмондонлик таркибидаги офицерларни тайёрлаш ва қайта тайёрлаш, шунингдек, мудофаа қурилиши соҳасидаги илмий-амалий тадқиқот ҳамда ишланмаларни мувофиқлаштириш, юртимизда ҳарбий таълимни ривожлантириш каби устувор вазифалар юклатилган.

Миллий армиямизда ўз бурчини ўтаб қайтган фуқароларга ҳам давлатимиз алоҳида эътибор қаратмоқда. Олий таълим муассасаларига ўқишга киришда уларга имтиёзлар белгилаб қўйилгани, ишга жойлашишда амалий ёрдам кўрсатилаётгани бунинг тасдиғидир. Хусусан, Президентимизнинг 2012 йил 31 майдаги "Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучлари сафида муддатли ҳарбий хизматни ўтаб бўлган фуқароларга имтиёзлар тизимини такомиллаштиришга оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги қарорига мувофиқ, ҳарбий қисмлар қўмондонлигининг тегишли тавсияномасини олган фуқароларга республика олий ўқув юртларига ўқишга киришда тест синовларида тўплаш мумкин бўлган энг кўп баллнинг 27 фоизи миқдорида қўшимча балл бериш жорий қилинган. Бундай ғамхўрлик уларнинг ҳаётда ўз ўрнини топишида муҳим аҳамият касб этаётир.

Мамлакатимизда ҳарбий хизматчиларни ижтимоий қўллаб-қувватлашнинг самарали тизими йўлга қўйилган. Жумладан, замонавий ҳарбий шаҳарчалар барпо этиш ва реконструкция қилиш, бу объектларда энг юксак талабларга ҳамда ҳарбий хизматчилар ва уларнинг оилалари эҳтиёжларига жавоб берадиган қулай ижтимоий-маиший шароит ҳамда инфратузилмаларни яратиш бўйича қабул қилинган давлат дастурлари ана шу мақсадларни кўзда тутади. Шу асосда 2014 йилда ҳам кўплаб ҳарбийларимиз давлатимизнинг бу борадаги ғамхўрлиги натижасида кўркам уй-жойларга эга бўлди.

Бу йил Ватан ҳимоячилари куни юртимизда "Ватан — улуғ, бурчим муқаддас!" шиори остида нишонланмоқда. Кенг жамоатчилик, хусусан, Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги ҳузуридаги Жамоатчилик кенгаши томонидан ушбу мавзуда ҳарбий қисм ва бўлинмаларда, барча вилоятлар, олис қишлоқ ва маҳаллаларда кўплаб учрашувлар, маънавий-маърифий тадбирлар ўтказилаяпти.

Президентимизнинг 2015 йил 12 январдаги Фармонига мувофиқ, Ватан ҳимоячилари куни муносабати билан ҳуқуқни муҳофаза қилиш органлари, Мудофаа ва Фавқулодда вазиятлар вазирликлари ходимларидан бир гуруҳи орден ва медаллар билан тақдирланди. Йиғилишда уларга Ватанимизнинг ана шу юксак мукофотлари топширилди.

— Қуролли Кучларимиз ўтган тарихан қисқа даврда мураккаб шаклланиш йўлини босиб ўтди ва бугунги кунда профессионал армия сифатида ўзини намоён этмоқда, — дейди "Жасорат" медали соҳиби, сержант Эркин Жумабоев. — Эътиборлиси, ҳозир Қуролли Кучларимиз сафида мустақиллик йилларида туғилиб ўсган, икки-учта тилни биладиган, дунёқараши кенг, жисмоний ва маънавий жиҳатдан соғлом, ватанпарвар ўғлонлар хизмат қилмоқда. Улардаги юртга дахлдорлик, халқимизга ва Президентимизга содиқлик ҳисси қалбимизда ўзгача фахр уйғотади. Биз, ҳарбийларни моддий ва маънавий жиҳатдан қўллаб-қувватлаш, ижтимоий-маиший шароитимизни яхшилаш масаласи ҳам давлатимизнинг доимий диққат-эътиборида. Буни ҳар биримиз дилдан ҳис қиламиз. Бугун ҳаётимда унутилмас кун. Президентимиз фармонига мувофиқ, шундай тантанали равишда Ватанимизнинг юксак мукофоти билан тақдирландим. Билдирилган ишончни оқлаш, халқимизнинг тинч ва фаровон ҳаётини ҳимоя қилиш йўлида бор кучимни сарфлайман.

Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучларида анъанага айланган танловга асосан, энг илғор олий ҳарбий таълим муассасаси, сержантлар тайёрлаш мактаби, мудофаа ишлари бошқармаси аниқланди. Тадбирда ана шу танлов ғолибларига диплом ва эсдалик совғалари топширилди.

Йиғилишда сўзга чиққан "Мардлик" ордени соҳиби, капитан Жаҳонгир Ваҳобов, "Жасорат" медали соҳиби, кичик сержант Жаҳонгир Ҳусанов, аскар онаси Зулхумор Раҳмонқулова, Ўзбекистон халқ артисти Эркин Комилов ва бошқалар барча Ватан ҳимоячиларини байрам билан табриклаб, Президентимиз, Қуролли Кучлар Олий Бош Қўмондони Ислом Каримовга ҳарбий хизматчиларга кўрсатаётган доимий эътибори ва ғамхўрлиги учун самимий миннатдорлик изҳор этди.

Тантанали маросимда катта байрам концерти намойиш қилинди.

Йиғилишда Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси Спикери Н. Исмоилов, Ўзбекистон Республикаси Бош вазири Ш. Мирзиёев иштирок этди.

Шавкат ОРТИҚОВ,
Фазлиддин АБИЛОВ,
«Халқ сўзи» мухбирлари.

Шомурот ШАРАПОВ,
Ҳасан ПАЙДОЕВ олган суратлар.

ВАТАНГА ХИЗМАТ — ОЛИЙ САОДАТ

Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги Маданият саройида Қуролли Кучларимиз ташкил этилганининг 23 йиллиги ва Ватан ҳимоячилари кунига бағишланган тадбир бўлиб ўтди. Унда ички ишлар тизимида хизмат қилаётган ходимлар, соҳа фахрийлари, давлат ва жамоат ташкилотлари ҳамда оммавий ахборот воситалари вакиллари иштирок этди.

■ ТАДБИР

Тадбирда Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазири, генерал-лейтенант А. Аҳмадбоев ва бошқалар қайд этганидек, ички ишлар идоралари бугунги кунда мамлакатимиз хавфсизлиги ва барқарорлиги, сарҳадларимиз дахлсизлигини ишончли ҳимоя қилиш, халқимизнинг тинч ва осойишта ҳаётини таъминлашга муносиб ҳисса қўшиб, жамоат тартибини сақлаш, ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш, жиноятчиликка қарши курашишни янада кучайтириш борасида тизимли ишларни амалга оширмоқда. Зиммаларига юклатилган вазифаларни сидқидилдан бажараётган осойишталик посбонларининг хизмати таҳсинга сазовор. Айниқса, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органларидаги профилактика инспекторларининг аҳоли ўртасида олиб бораётган тарғиботтушунтириш тадбирлари жамиятда соғлом муҳит барқарорлигига хизмат қилмоқда.

Албатта, бунда зарур таштилий, ҳуқуқий шарт-шароит яратилгани, шахсий таркибнинг ҳар томонлама тайёргарлиги мунтазам оширилаётгани, ички ишлар ходимлари давлатимиз томонидан доимий рағбатлантириб борилаётгани муҳим ўрин тутади. Чунончи, Президентимизнинг 2015 йил 12 январдаги Фармонига биноан, мамлакат мудофаа қудратини янада юксалтириш, миллий хавфсизлик ва чегараларимиз дахлсизлигини таъминлаш, миллий манфаатларимизни ҳимоя қилиш борасидаги хизмат бурчини бажариш чоғида мардлик, жасорат ва фидойилик кўрсатгани учун мукофотланганлар орасида ички ишлар органлари ходимлари ҳам бор.

Тадбирда ана шу мукофотлар ўз эгаларига топширилди.

— Президентимизнинг ушбу Фармони биз, соҳа ходимларига билдирилган юксак ишонч ва эътиборнинг ёрқин ифодасидир, — дейди "Содиқ хизматлари учун" медали соҳиби, Самарқанд вилояти Иштихон тумани ички ишлар бўлими профилактика катта инспектори, майор Акбаржон Жалилов. — Бундай рағбат юртимизда тинчликни сақлаш, ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш, аҳоли, айниқса, ёшлар манфаатларини таъминлашда зиммамизга янада катта масъулият юклайди. Келгусида билдирилган ишончни оқлаб, она-Ватанимизга садоқат билан хизмат қилишда бор кучғайратимизни аямаймиз.

— Мамлакатимиз тинчлиги ва осойишталиги, фуқароларнинг осуда ҳаёт кечиришларини таъминлаш — муқаддас бурчимиз, — дейди "Шуҳрат" медали соҳиби, Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги Қоровул қўшинлари бош бошқармаси ҳарбий қисм қоровул бошлиғи Эргаш Салимов. — Ватанга хизмат қилиш — катта шараф, шу билан бирга, ғоятда масъулиятли вазифадир. Ҳар доим шуни чуқур ҳис этган ҳолда хизматга отланаман. Камтарона меҳнатимиз давлатимиз томонидан юксак баҳоланган бизни янада шижоат билан хизмат қилишга ундайди.

Тадбирда санъаткорлар иштирокида концерт дастури намойиш этилди.

Зиёда АШУРОВА.

■ ҒАМХЎРЛИК

Ватан ҳимоячилари куни арафасида Қашқадарё ва Фарғона вилоятларида ташкил этилган телемулоқот тарзидаги учрашув муддатли ҳарбий хизматни ўтаётган аскарлар ва уларнинг ота-оналари ёдида узоқ вақт сақланиб қоладиган бўлди.

Аскарлар билан телемулоқот

Хусусан, "Қашқадарё" студиясида жам бўлган ота-оналар Фарғонада ўз йигитлик бурчини ўтаётган ўғлонлари билан, қашқадарёдаги аскарлар эса водийдаги оила аъзолари билан экран орқали дийдорлашиб, суҳбатлашиш имкониятига эга бўлишди.

Тадбирда сўзга чиққанлар истиқлол йилларида Қуролли Кучларимизда амалга оширилган ислоҳотлар ва уларнинг самаралари ҳақида тўхталиб, миллий армиямиз қисқа даврда Ватанимиз, мустақиллигимиз, осойишталигимиз ҳамда сарҳадларимиз дахлсизлиги кафолатига айланганини мамнуният билан таъкидлашди.

Улкан монитор қаршисида тўпланганларнинг қувончи чексиз. Қалбларда ҳаяжон. Қаршилик Зулфия ая Эрназарова набираси Хуниддин Чориевни дуо қилади:

— Хуниддинжон, бормисан, болам? Бизни кўраяпсанми? Бугун сени кўришимни эшитиб, жуда хурсанд бўлдим. Эртага туғилган кунинг. Табриклайман. Ҳамиша соғ-омон бўлгин. Хизматни намунали ўтаб, юзимизни ёруғ қилгин...

Қашқадарёда йигитлик бурчини ўтаётган фарғоналик аскар Лочинбек Ортиқова эса ота-онаси Ўктамжон ака ва Шоира ая билан теледийдорлашув бир олам қувонч ҳадя этди.

— Лочинбек, полвон бўламан, дердинг. Кўриб турибман, шу орзуинг ҳам ушалибди. Сизлар учун шундай шарт-шароитларни яратиб берган Юртбошимизга мингдан-минг раҳмат. Фарғонамизга келсанг, шаҳарни танимай қолишинг аниқ. Янада кўркам бўлиб кетди. Укаларинг, маҳалладаги тенгдош дўстларинг сенга ҳавас қилишаяпти. Майли, болам, соғ-омон бўлгин...

Шу куни кўплаб ота-оналар, ҳарбий хизматчилар ўзаро дийдорлашиб, бир-бирларини байрам билан қутладилар. Шунингдек, телемулоқотда қашқадарёлик хонандалар ижросида янграган "Аскар мактуби", "Фарзандим — жигарбандим" каби қўшиқ ва шўх тароналар тадбирга янада файз киритди.

Аҳад МУҲАММАДИЕВ,
«Халқ сўзи» мухбири.

МАМЛАКАТ РАВНАҚИ, АҲОЛИ ФАРОВОНЛИГИ — БОШ МЕЗОН

(Давоми. Бошланиши 1-бетда).

Истиқболда кенг кўламли ислоҳотларни янги босқичда давом эттириш, иқтисодиётимизни барқарор суръатлар билан ривожлантириш, юртимизни, Ватанимизни янада обод ва фаровон этишдек аниқ ва эзгу мақсадларга эришишнинг ҳуқуқий асосларини белгилаб берувчи миллий қонунчилигимизни янада такомиллаштириш биз, депутатлардан катта масъулият талаб қилади. Бинобарин, бугун талабчан, сиёсий фаол фуқароларимиз, замон биздан ислоҳотларга камарбаста бўлишни, сайловчиларнинг ишончини оқлашни, элу юрт ғамида фаолият юритишни олдимизга вазифа қилиб қўймоқда. Биз бу борада барча саъй-ҳаракатларимизни ишга соламиз.

Феруза ЭШМАТОВА,
Ўзбекистон Халқ демократик партиясининг Қонунчилик палатасидаги фракцияси аъзоси:

— Юртбошимизнинг Олий Мажлис Қонунчилик палатасининг биринчи мажлисида билдирган фикрлари бугунги кунда шаклланган парламент зиммасига ҳам жуда катта масъулият юклайди. Бинобарин, биз сайловчиларимиз ва электорат манфаатларини ҳимоя қилиш учун берилган катта ваколат ҳамда имкониятларни тўла ишга солишимиз, қўйилган вазифаларни теран англаб, фаолият юритишимиз лозим.

Мустақиллик йилларида юртимизни изчил тараққий эттириш, ривожланган демократик давлатлар сафидан муносиб ўрин эгаллаш, халқимиз фаровонлигини юксалтириш бўйича улкан ишлар, ўзгаришлар амалга оширилди.

Албатта, Президентимиз қайд этганидек, ҳаёт ҳеч қачон бир жойда тўхтаб турмайди, шиддат билан, жадал суръатлар билан доимо олдинга интилади.

Шу сабабли биз, депутатлар ҳар биримиз мамлакатимизнинг миллий манфаатларидан келиб чиқиб, чуқур ўйланган, қатъий позицияга эга бўлишимиз, бунинг учун эса нафақат партия дастурини, юртимизда амалга оширилаётган ислоҳотларнинг мазмун-моҳиятини чуқур англаб етишимиз, балки дунёда ва ён-атрофимизда кечаётган жараёнларни, уларнинг Ўзбекистоннинг манфаатларига қандай таъсир этишини ҳар томонлама ўрганиб боришимиз, тинчлигимиз ва фаровонлигимизни таъминлаш борасида аниқ таклифлар ишлаб чиқишга қодир бўлиш учун тинмай ўз устимизда ишлашимиз, изланишимиз талаб этилади.

Ўзбекистон Халқ демократик партияси давлат ва жамият томонидан манзилли ижтимоий ҳимоя ҳамда ижтимоий қўллаб-қувватлашга эҳтиёжманд аҳоли қатламлари, жумладан, пенсионерлар ва ногиронлар, шунингдек, уларни ижтимоий муҳофаза қилиш билан шуғулланадиган бюджет ташкилотлари ходимлари, ижтимоий соҳа вакиллари манфаатларини ҳар томонлама ҳимоя қилишда фаол иштирок этишни ўзининг ўта муҳим вазифаси, деб билган ҳолда Ўзбекистон манфаати ва ягона халқ манфаатлари асосида фаол иш олиб боради.

Тўлқин АБДУСАТТОРОВ,
Ўзбекистон "Адолат" социал-демократик партиясининг Қонунчилик палатасидаги фракцияси аъзоси:

— Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасининг биринчи ташкилий йиғилишида давлатимиз раҳбари нутқини алоҳида диққат-эътибор билан тингладик. Мамлакатимизни янада тараққий эттириш борасида олдимизда турган масалаларни янада чуқур англаб етдик.

Президентимизнинг "биз эски тузумни тиклашга қаратилган ҳеч қандай иттифоққа ҳеч қачон кирмаймиз, мустабид совет даврига асло қайтмаймиз. Шахсан мен бутун ҳаётимни, бутун умримни халқимизнинг озодлигига, Ватанимиз мустақиллигига бағишладим ва бу йўлдан ҳеч қачон қайтмайман", деган фикрлари ҳаммамизни тўлқинлантириб юборди.

Яна шуни эътироф этиш лозимки, айни пайтда фуқароларимизнинг дунёга, ҳаётга қараши тубдан ўзгариб, сиёсий савияси ва ҳуқуқий маданияти, фаол гражданлик позицияси ортиб бормоқда. Бунга сайлов кампанияси даврида сайловчилар билан учрашувларда бевосита гувоҳ бўлдик. Келгуси фаолиятимизда электоратимиз манфаатларини қонунчилик доирасида ифодалаш, уларни ўйлантираётган масалаларга ечим топишдек масъулиятли вазифани сидқидилдан адо этиш пировард мақсадимиздир. Бунинг учун бизга барча шарт-шароит ва имкониятлар яратиб берилган.

«Халқ сўзи» мухбири
Саиджон МАХСУМОВ ёзиб олди.

ЯНГИ МАЖМУА ФОЙДАЛАНИШГА ТОПШИРИЛДИ

Ўзбекистон Республикаси Фавқулодда вазиятлар вазирлигининг Фуқаро муҳофазаси институтида зилзилаларни симуляция қилиш мажмуаси фойдаланишга топширилди.

Мажмуа Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси, Маданият ва спорт ишлари вазирлиги, БМТ Тараққиёт дастури билан ҳамкорликда Марказий Осиёдаги DIPECHO VII табиий офатларга тайёргарликни таъминлаш дастури доирасида ташкил этилди.

Шу муносабат билан ўтказилган тадбирда вазирлик ва идоралар, Ўзбекистондаги БМТ Тараққиёт дастури, ЕХҲТ, Европа Иттифоқининг Ўзбекистон Республикасидаги делегацияси, Гуманитар ёрдам ва фуқаро муҳофазаси бўйича Европа комиссияси (ECHO), Жаҳон банки ва Осиё тараққиёт банки вакиллари иштирок этди.

Табиий тусдаги фавқулодда ҳолатларга тайёр туриш долзарб масаладир. Бундай таҳдидларга қарши туриш мақсадида 2011 йил 19 июлда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг «Аҳолини зилзилалар оқибатида юзага келган фавқулодда вазиятларда (табиий ва техноген тусдаги) ҳаракат қилишга тайёрлаш комплекс дастурини тасдиқлаш тўғрисида»ги қарори қабул қилинган эди. Ушбу ҳужжат табиий ва техноген тусдаги фавқулодда вазиятларда тезкорлик билан ҳаракат қилиш, аҳолини бундай офатлардан огоҳлантириш ва унга тайёрлаш тизимини янада такомиллаштиришнинг асоси бўлиб хизмат қилмоқда.

Ўзбекистон Республикаси фавқулодда вазиятлар вазири, генерал-майор Т. Худайбергенов мустақиллик йилларида Президентимиз раҳнамолигида турли фавқулодда вазиятларнинг олдини олиш ва уларга қарши курашишнинг самарали тизими яратилганини таъкидлади. Мазкур тизим фавқулодда вазиятларни аниқ прогноз қилиш, тезкор огоҳлантириш ва табиий офатларнинг оқибатларини бартараф этишга йўналтирилган. Зилзилаларни симуляция қилиш мажмуаси бу борада амалга ошириладиган ишларда муҳим ўрин тутади. Ушбу мажмуа аҳоли ва ҳудудларни фавқулодда вазиятлардан муҳофаза қилиш соҳасида кадрлар тайёрлаш даражасини ошириш имконини беради.

Янги мажмуада зилзилалар туфайли вайрон бўлган биноларнинг макетлари жойлаштирилган зал мавжуд. Шунингдек, бу ерда зилзилалар музейи, ер силкинишига ўхшаш ҳолатни юзага келтирадиган махсус ўқув тренажёри билан таъминланган бино, тиббиёт хонаси бор.

Тадбир иштирокчилари мамлакатимизда амалда бўлган аҳолини зилзилалар рўй берганда ҳаракатланишга тайёрлаш, ер силкинишларини прогноз ва мониторинг қилиш бўйича комплекс дастур, гидротехник иншоотлар ва тураржойларнинг сейсмик барқарорлигини баҳолаш жараёни билан таништирилди.

— Зилзилаларни симуляция қилиш мажмуаси менда катта таассурот қолдирди, — дейди Европа Иттифоқининг Ўзбекистон Республикасидаги делегацияси раҳбари, элчи Юрий Штерк. — Ер силкинишига ўхшаш ҳолатни юзага келтирадиган янги тренажёр Марказий Осиёда ягона ҳисобланади. Ўзбекистонда жорий этилган фавқулодда вазиятларда ҳаракатланишни ўргатадиган яхлит ва чуқур ўйланган дастур эътиборга лойиқдир.

Роман БОНДАРЧУК,
ЎзА мухбири.

Қисқа сатрларда

● Бухорода вилоят ҳокимлиги, "Камолот" ёшлар ижтимоий ҳаракати вилоят кенгаши ва бошқа қатор ташкилотлар ҳамкорлигида "Кексалари эъзозда, ёшлари эътиборда бўлган юрт" шиори остида маънавий-маърифий тадбир ўтказилди. Унинг доирасида фахрийлар Бухоро шаҳрида амалга оширилган кенг кўламли ободонлаштириш ва бунёдкорлик ишлари билан танишди. Муқаддас қадамжоларни зиёрат қилишди.

● **Гулистон шаҳрида Сирдарё вилояти ҳокимлиги, меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш, ўрта махсус, касб-ҳунар таълими бошқармалари ҳамда "Камолот" ёшлар ижтимоий ҳаракати ҳамкорлигида бўш иш ўринлари ярмаркаси уюштирилди. Унда юздан ортиқ саноат, қурилиш корхоналари, ўқув муассасалари, йирик кўшма корхоналар 1000 дан зиёд бўш иш ўринлари билан иштирок этди.**

● Самарқанд шаҳар кўп тармоқли поликлиникасида Самарқанд ҳарбий гарнизонида хизмат қилаётган ҳарбийларнинг оила аъзолари учун чуқурлаштирилган тиббий кўрик ўтказилди. Тиббий кўрикка 200 га яқин ҳарбийлар оиласи жалб қилинди. Кўрик давомида репродуктив саломатликни сақлаш, турли юқумли касалликларнинг олдини олиш борасида тушунтириш ишлари ҳам олиб борилди. "Соғлом авлод учун" халқаро хайрия фонди томонидан профилактика мақсадида дори-дармонлар тарқатилди.

● **Андижонда сафарбарлик чақируви резерви хизмати батальонининг янги биноси фойдаланишга топширилди. Шу муносабат билан ташкил этилган тадбирда Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги, Шарқий ҳарбий округ, вилоят ҳокимлиги мутасаддилари, офицерлар, сержантлар, муддатли ҳарбий хизматчилар, ота-оналар ва кенг жамоатчилик вакиллари қатнашди.**

«Халқ сўзи» мухбирлари хабарлари асосида тайёрланди.

Солиқ юкини пасайтириш

мамлакатимизда олиб борилаётган иқтисодий сиёсатнинг бош мақсадидир

(Давоми. Бошланиши 1-бетда).

Президентимиз Ислом Каримов Олий Мажлис Қонунчилик палатасининг биринчи йиғилишида сўзлаган нутқида Ўзбекистонимиз учун яккаю ягона тўғри, яъни тадрижий, босқичма-босқич ривожланиш йўлини танлаб олганимиз, барчамиз — бу тадбиркорлар бўладими, мутахассислар бўладими — шундай мураккаб вазиятда 2015 йил ва ундан кейинги йилларда ўз олдимизга қўяётган кенг кўламли ислоҳотларни янги босқичда давом эттириш, иқтисодиётимизни барқарор суръатлар билан ривожлантириш, юртимизни, Ватанимизни янада обод ва фаровон этишдек аниқ ҳамда эзгу мақсадларга эришиш йўлида оғишмай меҳнат қилишимиз кераклигини таъкидлади.

Қайд этилганидек, мамлакатимизда амалга оширилаётган иқтисодий ислоҳотлар қулай ишбилармонлик муҳитини яратиш, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларини қўллаб-қувватлаш, бу жараёнда солиқ юкини пасайтиришга қаратилгандир. Шу маънода, Янги йил арафасида солиқ ва бюджет сиёсатининг асосий йўналишлари доирасида бир қатор муҳим ҳужжатлар қабул қилингани эътиборга молик. Жумладан, Президентимизнинг 2014 йил 4 декабрдаги "Ўзбекистон Республикасининг 2015 йилги асосий макроиқтисодий кўрсаткичлари прогнози ва Давлат бюджети параметрлари тўғрисида"ги қарорига мувофиқ, юридик шахслардан олинадиган фойда солиғи ставкаси 8 фоиздан 7,5 фоизга туширилди. Микрофирмалар, кичик корхоналар ҳамда фермер хўжаликлари учун ягона ижтимоий тўлов ставкаси 25 фоиздан 15 фоизга, қурилиш соҳасида фаолият юритувчи кичик бизнес субъектлари учун ягона солиқ тўлови ставкаси 6 фоиздан 5 фоизга пасайтирилди.

Шу билан бирга, ушбу қарорга кўра, бир қатор солиқ имтиёзларининг муддатлари узайтирилди. Бу солиқларнинг рағбатлантирувчи роли ошиб бораётганидан далолатдир.

— Ўзбекистонда яратилган қулай ишбилармонлик муҳити, айниқса, солиққа тортиш соҳасидаги имтиёзлар чет эллик инвесторларнинг иқтисодиётингизга бўлган қизиқишини оширмоқда, — дейди пойтахтимизда фаолият кўрсатаётган "Dongnam Uzmotors" хорижий корхонасининг молиявий директори Виталий Тен. — Корея Республикаси сармоядорлари иштирокида ташкил этилган корхоналар сони ортиб бораётгани бунга яққол мисол бўла олади. Масалан, бизнинг корхонамиз 10 йиллик фаолияти давомида солиқ имтиёзларидан унумли фойдаланиб, ишлаб чиқариш ҳажмини ошириш, қўшимча иш ўринлари яратишга муваффақ бўлмоқда. Жорий йилда солиқ тўловларининг янада пасайтирилиши ҳисобига эса ҳар ойда ўртача 3 миллион сўм миқдоридаги маблағ ихтиёримизда қолиши кутилмоқда.

Тадбирнинг кўргазма шаклида ташкил этилгани иштирокчиларга солиқ қонунчилигида олиб борилаётган ислоҳотлар мазмун-моҳиятини чуқур тушуниш имконини беряпти. Чунки ҳар бир йўналишга доир намойиш бурчакларидаги махсус стендлар, буклетлар, слайдлар, видеоролик ва бошқа кўргазмали воситалар орқали атрофлича маълумот олиш мумкин. Юзага келаётган саволларга соҳа мутахассислари шу жойнинг ўзида батафсил жавоб беришаётир.

2015 йилнинг 1 январидан эътиборан республикамизда тўрт поғонали солиқ ставкаларини қўллаш тартиби жорий этилгани ҳам кўпчиликда катта қизиқиш уйғотаяпти. Мутахассисларнинг айтишича, бу жисмоний шахслардан олинадиган даромад солиғини ҳисоблашда энг кам иш ҳақининг бир баравригача "0" даражали ставкани қўллаш тартибини назарда тутади. Бошқача айтганда, фуқароларнинг энг кам иш ҳақининг бир баравари (118400 сўм)гача даромадлари солиққа тортилмайди.

Яна бир янгилик сартарошлик ва

бошқа шунга ўхшаш хизматлар кўрсатаётган якка тартибдаги тадбиркорлардан олинадиган қатъий белгиланган солиқ ставкалари маиший хизмат фаолияти турлари солиқ ставкалари таркибига киритилди ва солиқ ставкаси фаолиятнинг амалга оширилган жойига қараб, 2014 йилдагига нисбатан энг кам иш ҳақининг 0,5 баравари-га пасайтирилди.

Семинарда Ўзбекистон Республикасининг 2014 йил 4 декабрдаги "Солиқ ва бюджет сиёсатининг 2015 йилга мўлжалланган асосий йўналишлари қабул қилинганлиги муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида"ги Қонунига биноан, Солиқ кодексининг 46 та моддасига киритилган ўзгартиш ва қўшимчалар ҳақида ҳам тушунтиришлар берилмоқда.

— Хусусан, Солиқ кодексининг 54-моддасига киритилган қўшимча менинг эътиборимни тортди, — дейди Тошкент шаҳридаги "Agro bio kimyo" МЧЖ молиявий директори Асадулла Ражабов. — Чунки эндиликда якка тартибдаги тадбиркорларга ҳам юридик шахслар сингари давлат солиқ хизмати органига ёзма билдириш юбориб, текширувлар натижалари бўйича қўшимча ҳисобланган солиқлар ва бошқа мажбурий тўловлар, шунингдек, молиявий санкциялар суммаларини тўлашни олти ой мобайнида тенг улушларда амалга ошириш ҳуқуқи берилибди. Тадбиркорларнинг шу каби янгиликлар билан яқиндан таништирилиши ислоҳотлар самарадорлигини янада оширишга хизмат қилади, албатта.

Солиқ қонунчилигидаги ўзгаришларда ёшларнинг иқтисодий манфаатлари ҳам кўзда тутилгани диққатга сазовор. Яъни 2015 йилдан бошлаб касб-ҳунар коллежлари битирувчилари ўн икки ой ичида якка тартибдаги тадбиркор сифатида давлат рўйхатидан ўтказилса, олти ой давомида қатъий белгиланган солиқдан озод этилади.

Умуман олганда, тўрт кунлик семинар аносида унинг ҳар бир иштирокчиси ўзини қизиқтирган саволларга тўлиқ жавоб олиши, солиқ соҳасига оид билимларини бойитиши учун барча шарт-шароит яратилган. Шу боис унинг биринчи иш куни самарали ва қизғин руҳда ўтди.

Тадбирда, шунингдек, солиқ мажбуриятларини ўз вақтида адо этиб келаётган намунали солиқ тўловчиларнинг бир гуруҳига Давлат солиқ қўмитасининг фахрий ёрлиқлари топширилди.

Саид РАҲМОНОВ,
«Халқ сўзи» мухбири.
Ҳасан ПАЙДОЕВ олган сурат.

Кўп тармоқли фаолият

Сирдарё вилоятидаги қишлоқ хўжалиги техника воситаларини таъмирлаш ҳамда турли эҳтиёт қисмлар ишлаб чиқаришга ихтисослаштирилган "Гулистон мотор" масъулияти чекланган жамиятида хорижда келтирилган "Логон" русумли замонавий экскаваторларни созлаш йўлга қўйилди.

ИЗЛАНИШ

Эътиборлиси, бунга янги ускуналар сотиб олинмаган ҳолда, яъни мавжудларига жамият муҳандислари томонидан киритилган техник ўзгартишлар натижасида эришилди.

Бинобарин, ана шундай изланишлар туфайли мазкур жамият фаолияти йил сайин кенгайиб бормоқда. Хусусан, сўнгги йилларда бу ерда ирригация-мелиорация тизими учун ҳам турли мосламалар тайёрлаш ўзлаштирилди.

— Банкнинг 100 миллион сўмлик кредити эвазига мих ишлаб чиқариш цехини ташкил қилганмиз, — дейди жамият раҳбари Шухрат Маматов. — Унда кунига бир тоннадан зиёд барча ўлчамдаги михларни ишлаб чиқараяпмиз. Қувонарлиси, ушбу маҳсулотимизнинг харидорлари кўп. Ундан вилоятимиздаги намунали уй-жойлар қурилишида ҳам кенг фойдаланилаяпти. Шунингдек, корхонамизда пардозлаш ишларида қўлланиладиган қурилиш ашёлари ҳам тайёрланмоқда. Эндиликда лок-бўёқ ишлаб чиқариш борасида изланишлар олиб бораяпмиз.

Аҳмадали ШЕРНАЗАРОВ,
«Халқ сўзи» мухбири.

Самарадорлик ортади

Қамаши туманидаги "Қиллисой" коллектори ва "Қўнғир" насос станциясида амалга оширилган реконструкция ишларидан сўнг кучли шўрланган ҳамда сизот сувлари кўтарилган 670 гектар экин майдонининг мелиоратив ҳолати яхшиланадиган бўлди.

МЕЛИОРАЦИЯ

Сув ресурсларидан самарали фойдаланишга қаратилган ҳудудий дастурга асосан рўёбга чиқарилган ушбу лойиҳа учун 504 миллион сўм ажратилди.

Таъкидлаш керакки, 2014 йилда вилоятдаги 19 та ирригация ва мелиорация иншоотида 28 миллиард 300 миллион сўмликдан ортиқ реконструкция ҳамда қурилиш ишлари бажарилди.

Аҳад МУҲАММАДИЕВ,
«Халқ сўзи» мухбири.

Хабар

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ АДЛИЯ ВАЗИРЛИГИ ВАЗИРЛИКЛАР, ДАВЛАТ ҚЎМИТАЛАРИ ВА ИДОРАЛАР ТОМОНИДАН ҚАБУЛ ҚИЛИНГАН НОРМАТИВ-ҲУҚУҚИЙ ҲУЖЖАТЛАРНИ ДАВЛАТ РЎЙХАТИДАН ЎТКАЗИШ ҲОЛАТИ ТЎҒРИСИДА 2015 ЙИЛ 5 ЯНВАРДАН 9 ЯНВАРГАЧА БЎЛГАН МАЪЛУМОТНИ МАЪЛУМ ҚИЛАДИ.

I. Давлат рўйхатидан ўтказилди:

1. «Мобиль алоқа хизматларини кўрсатувчи юридик шахслар (яъни алоқа компаниялари) томонидан абонент рақамидан фойдаланганлик учун тўловларни хисоблаш ва тўлаш тартиби тўғрисидаги низомга ўзгартиришлар ва қўшимча киритиш ҳақида» *Ўзбекистон Республикаси Алоқа, ахборотлаштириш ва телекоммуникация технологиялари давлат қўмитаси ва Молия вазирлигининг 2014 йил 29 декабрдаги 93-мх, 89-сонли қарори.*

2015 йил 5 январда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 2329-2 (2015 йил 12 январдан кучга кирди).

2. «Тиббиёт муассасаларида кохлеар имплантация операцияларини ўтказиш учун беморларни танлаб олиш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида» *Ўзбекистон Республикаси соғлиқни сақлаш вазирининг 2014 йил 9 декабрдаги 20-сонли буйруғи.*

2015 йил 8 январда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 2648 (2015 йил 12 январдан кучга кирди).

3. «Акциялар эгалари реестри ва корпоратив облигациялар эгалари реестри тўғрисидаги низомга ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш ҳақида» *Ўзбекистон Республикаси Давлат рақобат қўмитаси ҳузуридаги Қимматли қоғозлар бозорини мувофиқлаштириш ва ривожлантириш маркази бош директорининг 2014 йил 16 декабрдаги 2014-32-сонли буйруғи.*

2015 йил 8 январда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 1911-3 (2015 йил 12 апрелдан кучга кирди).

4. «Кредит бюросининг ижро органи раҳбари лавозимига тавсия этиладиган номзодларга нисбатан қўйиладиган малака талаблари тўғрисидаги низомнинг 6-бандига ўзгартириш киритиш ҳақида» *Ўзбекистон Республикаси Марказий банки Бошқарувининг 2014 йил 27 декабрдаги 46/3-сонли қарори.*

2015 йил 8 январда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 2315-1 (2015 йил 12 январдан кучга кирди).

5. «Автомототранспорт воситаларини хатлаш, бошқа шахсга беришни тақиқлаш ва тақиқни олиб ташлаш, шунингдек автомототранспорт воситаларини хатлаш ва бошқа шахсга беришни тақиқлаш тўғрисидаги маълумотларнинг ҳужжатлаштирилган банкнинг шакллантириш тартиби тўғрисидаги низомга ўзгартиришлар киритиш ҳақида» *Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги ва Ички ишлар вазирлигининг 2014 йил 30 декабрдаги 7, 42-сонли қарори.*

2015 йил 8 январда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 1589-2 (2015 йил 12 январдан кучга кирди).

6. «Узлуксиз таълим тизими учун яратилган янги ўқув адабиётлари ва бошқа ўқув воситаларини нашр этиш тартиби тўғрисидаги йўриқнома ўз кучини йўқотган деб топиш ҳақида» *Ўзбекистон матбуот ва ахборот агентлиги ва Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлигининг 2014 йил 31 декабрдаги 17 м/ҳ, 90-сонли қарори.*

2015 йил 8 январда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 986-1 (2015 йил 12 январдан кучга кирди).

7. «2015 йил учун давлат статистика ҳисоботи шаклларини тасдиқлаш тўғрисида»ги қарорга ўзгартириш ва қўшимча киритиш ҳақида» *Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитасининг 2015 йил 7 январдаги 1-мб-сонли қарори.*

2015 йил 8 январда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 2636-1 (2015 йил 12 январдан кучга кирди).

8. «Суғурта фаолияти тўғрисидаги қонун ҳужжатларини бузганлиги учун суғурталовчиларга жарима санкцияларини қўллаш тартиби тўғрисидаги низомга ўзгартиришлар киритиш ҳақида» *Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги, Давлат қўмитаси ва Ўзбекистон Республикасининг Хусусийлаштириш, монополиядан чиқариш ва рақобатни ривожлантириш давлат қўмитасининг 2014 йил 31 декабрдаги 91, 2014-38, 01/19-26/29-сонли қарори.*

2015 йил 9 январда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 1842-3 (2015 йил 12 январдан кучга кирди).

9. «Радиоалоқа воситаларига, телевидение ва радиоэшиттириш дастурларини қабул қилишга таъсир этувчи радиохалақитларни бартараф этиш учун буюртма қабул қилиш ва кўриб чиқиш тартиби тўғрисида йўриқномани тасдиқлаш ҳақида»ги буйруққа ўзгартиришлар киритиш тўғрисида» *Ўзбекистон Республикаси Алоқа, ахборотлаштириш ва телекоммуникация технологиялари давлат қўмитасининг 2015 йил 8 январдаги 95-мх-сонли қарори.*

2015 йил 9 январда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 1543-3 (2015 йил 12 январдан кучга кирди).

10. «Уй-жой-коммунал хизматлар ҳақини тўлаш бўйича компенсация пул тўловларининг механизми тўғрисидаги низомга ўзгартиришлар ва қўшимча киритиш ҳақида» *Ўзбекистон Республикаси молия вазирининг 2014 йил 30 декабрдаги 88-сонли буйруғи.*

2015 йил 9 январда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 2175-2 (2015 йил 12 январдан кучга кирди).

II. Давлат реестридан чиқарилди:

1. «Узлуксиз таълим тизими учун яратилган янги ўқув адабиётлари ва бошқа ўқув воситаларини нашр этиш тартиби тўғрисидаги йўриқнома» *(рўйхат рақами 986, 2000 йил 27 ноябрь). Ўзбекистон Республикаси Давлат матбуот қўмитаси ва Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги томонидан тасдиқланган.*

Адлия вазирининг 2015 йил 8 январдаги 6-мх-сонли буйруғи билан давлат реестридан чиқарилди.

Мазкур ҳужжат қонунчиликка ўзгартириш киритилиши ва/ёки янги норматив-ҳуқуқий ҳужжат қабул қилиниши муносабати билан давлат реестридан чиқарилди.

Эълонлар

Махсус лицензияга эга ихтисослаштирилган ташкилотлар диққатига!

Ўзбекистон Республикаси Давлат божхона қўмитасининг

ОЛИЙ ҲАРБИЙ БОЖХОНА ИНСТИТУТИ

ўз ҳудудини ўраб турган чегара қисмига огоҳлантирувчи қурилмаларни ўрнатиш бўйича танлов эълон қилади.

Танловда тегишли лицензия ва рухсатномага эга бўлган корхона ҳамда ташкилотлар қатнашишлари мумкин.

Буюртмачининг бошланғич баҳоси:
— 133 085 218 сўм ҚҚСсиз;
— 159 702 262 сўм ҚҚС билан.

Танловда иштирок этиш истагидаги корхона ва ташкилотлар танлов ҳужжатларини қуйида кўрсатилган манзилдан олишлари мумкин.

Тижорат таклифлари танлов ҳужжатлари талаблари асосида расмийлаштирилиши лозим.

Тижорат таклифлари мухрланган конвертларда эълон чоп этилган санадан бошлаб 30 кун ичида Тошкент шаҳри, Шайхонтоҳур тумани, Қозиробод 2-тор кўчаси, 118-уй, Олий ҳарбий божхона институтида соат 9.00 дан 17.00 гача (якшанбадан ташқари) қабул қилинади. Қўшимча маълумотлар учун (0-371) 227-46-56 телефони ва ички (42-80) рақамига мурожаат қилиш сўралади.

49А/62

«Universal Realtor» МЧЖ

бошланғич баҳоси босқичма-босқич ошиб бориш тартибида ўтказиладиган очиқ аукцион савдосига таклиф этади.

Аукцион савдосига Тошкент шаҳар, Юнусобод тумани СИБ томонидан 2013 йил 21 январдаги 425-сонли ижро варақасига асосан хатланган, Тошкент шаҳри, Юнусобод тумани, Қоронқўл кўчаси, 84-уйда жойлашган, фойдаланиш майдони 1448 кв.м.дан иборат бўлган тураржой биноси такроран қўйилмоқда.

Бошланғич баҳоси — 357 973 000 сўм.

Аукцион савдоси 2015 йил 30 январь куни соат 11.00 да Тошкент шаҳри, Яшнобод тумани, Истиқбол кўчаси, 15-уйда бўлиб ўтади. Аризалар юқорида кўрсатилган манзилда иш кунлари соат 10.00 дан 16.00 гача қабул қилинади. Талабгорлардан аризаларни қабул қилиш 2015 йил 29 январь куни соат 11.00 да тўхтатилади.

Аукцион савдосида иштирок этиш истагидаги талабгорлар савдо ташкилотчиси билан «Закалат пули тўғрисидаги келишув»ни имзолагандан сўнг объект бошланғич баҳосининг 10 фоизидан кам бўлмаган миқдордаги закалат пулини тўлов ҳужжатида ижро ҳужжати рақами ва санасини кўрсатган ҳолда, «Universal Realtor» МЧЖнинг АТБ «Капиталбанк» Тошкент шаҳар филиалидаги қуйидаги ҳисоб рақамига тўлашлари шарт: 20208000104975228001, МФО: 00445, СТИР: 302269399.

Кўчмас мулк объекти билан тегишли туман суд ижрочилари бўлими вакили иштирокида бевосита жойига чиқиб танишиш мумкин.

Хизматлар лицензияланган.

Қўшимча маълумот олиш учун манзил: 100047, Тошкент шаҳри, Истиқбол кўчаси, 15-уй.
Телефон: (0-371) 150-35-55. www.realtor.uz E-mail: universal.realtor@mail.ru

45А/63

«TOSHKENT UNIVERSAL AUKTSION SAVDO» МЧЖ

томонидан 2014 йил 11 декабрь куни ўтказилган аукцион савдолари натижаларига кўра, Ўзбекистон Республикасининг Хусусийлаштириш, монополиядан чиқариш ва рақобатни ривожлантириш давлат қўмитаси Тошкент шаҳар бошқармаси балансидаги давлат рақами 01/062DCA бўлган «Nissan maksima» русумли автомашина 65 500 000 сўмга, Ўзбекистон Республикаси Президенти Девони Ишлар бошқармаси транспорт бўлими балансидаги давлат рақами 01/084PPP бўлган «ГАЗ-3102311» русумли автомашина 5 500 000 сўмга сотилганлиги маълум қилинади.

Шунингдек, «Toshkent universal auktsion savdo» МЧЖ томонидан 2014 йил 30 декабрь ва 2015 йил 8 январь кунлари тўғридан-тўғри музокаралар орқали ўтказилган Ўзбекистон Республикаси Ташқи иқтисодий фаолият миллий банкининг «Nukus textile» МЧЖ устав фондидаги 100 фоиз улуши 12 581 279 000 сўмга, «Nukus agro» МЧЖ устав фондидаги 100 фоиз улуши 1 785 453 700 сўмга, «Asaka mak» МЧЖ устав фондидаги 100 фоиз улуши 3 546 012 000 сўмга сотилганлиги маълум қилинади.

47А/20

«KO'CHMAS MULK SAVDO XIZMATI» МЧЖ

бошланғич баҳоси босқичма-босқич ошиб бориш тартибида ўтказиладиган очиқ аукцион савдосига таклиф этади.

Аукцион савдосига Учтепа тумани СИБ томонидан ФИБ Учтепа туманлараро судининг 2014 йил 6 ноябрдаги 1-5848/2014-сонли ижро варақасига асосан хатланган қуйидаги кўчмас мулклар қўйилмоқда:

1. Тошкент шаҳри, Учтепа тумани, Уйғур кўчаси, 387-«Д» уй ҳудудида жойлашган, ер майдони 331 кв.м., бинонинг умумий майдони 131 кв.м. бўлган 4 хонадан иборат ижара салони, ҳозирги кунда тикув цехи.
Бошланғич баҳоси — 256 000 000 сўм.

2. Тошкент шаҳри, Юнусобод тумани, Наманган кўчаси, 8-уйда жойлашган, ер майдони 472 кв.м., бинонинг умумий майдони 262 кв.м. бўлган 1 қаватли ертўладан иборат ошхона ва савдо дўкони.
Бошланғич баҳоси — 287 500 000 сўм.

Аукцион савдоси 2015 йил 16 февраль куни соат 12.00 да бўлиб ўтади. Аризалар иш кунлари соат 10.00 дан 16.00 гача қабул қилинади (соат 13.00 дан 14.00 гача тушлик вақти). Аризаларни қабул қилишнинг охирги муддати — 2015 йил 13 февраль куни соат 18.00.

Кўчмас мулклар билан тегишли туман суд ижрочилари бўлими вакили иштирокида бевосита жойига чиқиб танишиш мумкин.

Талабгорлар мулк бошланғич баҳосининг 10 фоизидан кам бўлмаган миқдордаги закалат пулини тўлов ҳужжатида ижро ҳужжати рақами ва санасини кўрсатган ҳолда, «Ko'chmas mulk savdo xizmati» МЧЖнинг АИТБ «Ипак йўли» банки «Сағбон» филиалидаги қуйидаги ҳисоб рақамига тўлашлари шарт: 20208000904920609114, МФО: 01036, СТИР: 207122519.

Савдо ўтказиладиган манзил: Тошкент шаҳри, Олмазор тумани, 1-Қорақамиш кўчаси, 1-«А» уй.
Телефон: (0-371) 228-79-52. www.1kms.uz

Хизматлар лицензияланган.

50А/2

FUJITSU Canon EPSON EXCEED YOUR VISION

Товар сертифицирован Услуги лицензированы

INFO SEMANTIK
ОФИЦИАЛЬНЫЙ ДИСТРИБЬЮТОР В УЗБЕКИСТАНЕ
г. Ташкент, ул. Кичик халка йули, 165, 2-й этаж (ориентир — Северный Алмазар).
Сайт: www.infosemantik.uz, e-mail: info@infosemantik.uz
Тел.: (+99871) 228-04-04, 228-15-05, 228-15-04, 248-35-50.

«ПОЧТА АЛОҚАСИ ХАВФСИЗЛИГИНИ ТАЪМИНЛАШ БЎЙИЧА ТАЛАБЛАР» махсус техник регламенти тасдиқланди.

Махсус техник регламентнинг талаблари почта алоқаси хизматларини кўрсатувчи барча оператор ва провайдерлар учун мажбурийдир.

Ҳужжат матни www.standart.uz сайтида жойлаштирилган.

Ҳужжат расмий эълон қилинган пайтдан эътиборан олти ой ўтгач амалга киритилади.

«ХАЛҚ СЎЗИ»га ЭЪЛОНЛАР ҚАБУЛ ҚИЛИНАДИ.
9.00 дан 18.00 гача
232-11-15, 236-09-25.
E-mail: reklama@xs.uz

Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучларининг 23 йиллигига

САДОҚАТ • ЖАСОРАТ • МАТОНАТ

Миллий армиямиз ёшларимиз қалбида ана шу туйғуларни мустаҳкамловчи чинакам ҳаёт мактабидир.

ЖАРАЁН

Мамлакатимиз мудофаа тизимида амалга оширилаётган кенг кўламли ислоҳотлар туфайли Қуролли Кучларимиз салоҳияти тобора юксалмоқда. Миллий армиямизни замонавий қурол-яроғ ва техникалар билан таъминлаш, ҳарбий хизматчилар ҳамда уларнинг оила аъзоларини ижтимоий ҳимоя қилиш борасидаги саъй-ҳаракатлар ўз самарасини бераётир. Муҳими, ёшларимиз орасида ҳарбийлик касбига бўлган қизиқиш ҳар қачонгидан ортиб, юртимиз тинчлиги ва осойишталиги йўлида хизмат қилиш шарафли ишга айланди.

САРҲАДЛАРИМИЗ ҲИМОЯЧИЛАРИ

Бугун ҳар томонлама етук ёшларимиз Қуролли Кучларимиз сафларида садоқат ва фидойилик намуналарини кўрсатиб хизмат қилмоқдалар. Буни Ўзбекистон Республикаси Миллий хавфсизлик хизмати Чегара қўшинлари ҳарбий хизматчилари фаолияти мисолида ҳам яққол кўриш мумкин. Улар вазифаси қанчалик масъулиятли ва вазифани муваффақиятли адо этишларида МХХ Чегара қўшинларида яратилган шарт-шароит ва қулайликлар муҳим аҳамият касб этаётир. Жумладан, чегара қўшинлари замонавий қурол-аслаҳа, компьютер, тезюрар катер ва бошқа техника воситалари билан таъминланган. Айни чоғда мамлакатимизнинг олис жойлари, аҳолидан юзлаб километр узоқликда хизмат қилаётган ҳарбий хизматчиларимиз учун бугунги кун машаққатлилигини юртимизнинг 6976 километр масофада бешта давлат билан чегарадош эканлигидан ҳам билса бўлади. Тоғу тош, дарё-кўл, дашту далалардан иборат катта ҳудуддаги чегарани туну кун қўриқлаш, эл-юрт тинчлиги ва осойишталигини таъминлаш осон иш эмас.

Чегарачиларнинг ушбу улкан талабига тўла жавоб берадиган ҳарбий қисм ва чегара постлари қурилмоқда, мавжудлари реконструкция қилинаяпти. Чегара постлари ёнидан тураржойлар барпо этилиб, ҳарбий хизматчиларга топширилмоқда.

Рақамларга мурожаат қиладиган бўлсак, 2009 — 2013 йиллар мобайнида 800 дан ортиқ ҳарбий шаҳарчалар барпо этилди, 1800 нафардан ортиқ ҳарбий хизматчилар ва уларнинг оила аъзолари уй-жойлар билан таъминланди. Ўтган йилда ҳам бу борадаги ишлар изчиллик билан давом эттирилди. Йил давомида 12 та ҳарбий иншоот ва 436 та замонавий хонадон фойдаланишга топширилди.

— Болаликдан чегарачи бўлишга қизиқардим, бугун орзуларим ушалди, — дейди шартнома асосидаги ҳарбий хизматчи, оддий аскар И. Абдукаримов. — Хизматимиз самарадорлигини оширишда биз учун яратилган қулайликлар муҳим омил бўлаяпти. Мисол учун, ўтган йили бир гуруҳ сафдошларим қаторида янги уйга кўчиб кирдик. Шундан сал олдин оила қургандим. Замонавий, барча қулайликка эга хонадон бизга тўёна бўлди. Меҳмонхона, ётоқхона, айниқса, ошхонани айтмайсизми?! Бундан турмуш ўртоғим жуда мамнун. Бундай чексиз ғамхўрлик биз, чегарачиларни янада фидойилик ва жасорат кўрсатишга ундайди.

Кейинги йилларда МХХ Чегара қўшинларида озиқ-овқат таъминотини янада яхшилашга алоҳида эътибор қаратилаётганини ҳам таъкидлаш жоиз. Ҳарбий қисм ва чегара постларидаги озиқ-овқат омборлари гуруч, гречка, шакар, гўшт, балиқ, колбаса, сариёғ маҳсулотлари билан тўлдирилиши баробарида, музлаткичлар ўрнатилиб, уларда сархил мевалар сақланмоқда. Ушбу маҳсулотларни йилнинг барча фаслида етказиб бериш мақсадида ҳарбий қисмлар қошида ёрдамчи хўжалик ва иссиқхоналар ташкил этилган.

Ўтган йилдан бошлаб барча чегара постларида овқатларни тайёрлаш махсус ошпазларга топширилди. Яъни хусусий корхона ва ташкилотлар билан тузилган шартномага мувофиқ, малакали ошпазлар томонидан чегарачиларга сифатли хизматлар кўрсатилмоқда. Жумладан, ҳарбий қисм ва ҳудуддаги умумий овқатланиш муассасаси ўртасида тузилган шартнома самараси ўлароқ, ҳарбий хизматчилар пиширириқлар, миллий ва европа таомларидан баҳраманд бўлишмоқда.

Чегара постларида нон цехлари фаолияти йўлга қўйилгани ҳам алоҳида эътиборга молик.

— Илгарилари нонни вилоят ёки тумандаги цехлардан олиб келардик, — дейди ҳарбий қисм чегара постларидан бирида хизмат қилаётган оддий аскар В. Хатамқулов. — Нонни манзилга келтиргунча сифати сал тушарди. Постимизда нон тайёрлаш цехи очилганидан буён шу ерда тайёрланаётган мазали ва иссиқ нонлардан баҳраманд бўлаяпмиз. Айни чоғда бундан мен каби сафдошларим ҳам хурсанд.

Яратилаётган имкониятлардан унумли фойдаланаётган чегарачилар нафақат юртимизнинг муқаддас сарҳадларини кўз қорачиғидек асраб-авайлаш, айни чоғда истеъдод ва иқтидорларини намоён этиш борасида ҳам ўзларини кўрсатиб келишмоқда. Ўзбекистон Республикаси МХХ Чегара қўшинлари ўртасида ўқув йили якунлари бўйича ўтказиб келинаётган танловларда мазкур қўшин ҳарбий қисмлари "Энг илғор қўшилма" деб эътироф этилмоқда. Қолаверса, уларнинг фидокорона хизматлари давлатимиз томонидан мунтазам рағбатлантириб борилмоқда. Президентимиз Фармони билан Ўзбекистон Республикаси МХХ Чегара қўшинларига қарашли ҳарбий қисмлар 2006 ва 2008 йилларда Жалолиддин Мангуберди ордени билан тақдирланган. Шу билан бирга, Чегара қўшинларидан кўплаб офицер ва шартнома асосидаги ҳарбий хизматчилар Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучлари ўртасида ўтказилган "Энг илғор мутахассис" танловининг республика босқичи ғолиби бўлишди.

Умуман олганда, миллий армиямизда, жумладан, Чегара қўшинларида рўёбга чиқарилаётган кенг қамровли ислоҳотлар сарҳадларимиз дахлсизлигини, тинчлик ва осойишталигимизни таъминлаш, пировард натижада мамлакатимизнинг ҳар жиҳатдан тараққий этишига хизмат қилмоқда.

Зокир ХУДОЙШУКУРОВ,
«Халқ сўзи» мухбири.

ҲАРБИЙ ТАЪЛИМ

Истиқлол йилларида ҳарбийлик чин маънода фахрли касбга айланди. Бу ўтган қисқа даврда Қуролли Кучларимиз тизимида амалга оширилган изчил ислоҳотлар, соҳа вакиллари учун яратилаётган беқиёс имконият ва имтиёзлар самараси, десак янглишмаган бўламиз. Зеро, тинчлик-осойишталик — бахтиёр ва фаровон ҳаёт кечиришнинг энг муҳим шарти, энг асосий омилидир.

Эртамизнинг ишончи ва таянчи

Шу боис, бугун мард ва жасур ўғлонларимиз мамлакатимиз хавфсизлиги ҳамда барқарорлиги, сарҳадларимиз дахлсизлигини таъминлашни ўзларининг муқаддас бурчи, деб билмоқдалар.

Самарқанд олий ҳарбий автомобиль қўмондонлик-муҳандислик билим юрти ҳам ана шундай масъулиятли ишга муносиб ҳисса қўшиб келаётган таълим муассасаларидан биридир. Ҳозир билим масканимизда олтита йўналиш бўйича офицер кадрлар тайёрланаётир.

Албатта, назарий ва амалий машғулотларнинг таъсирчанлиги ҳамда самарадорлигини оширишда илғор ахборот-коммуникация технологияларининг аҳамияти беқиёс. Қолаверса, замонавий ҳарбий техникалар курсантларимизнинг чуқур билим эгаллаб, етарли тажриба тўплашларида кўл келмоқда. Айни шу жиҳатдан, энг аввало, олий ҳарбий таълим муассасамизнинг моддий-техник базасини юксалтиришга алоҳида эътибор қаратаяпмиз. Пировардида имкониятларимиз кўлами кенгайиб, таълим сифати янада юксалмоқда. Чунончи, шинам синфхона ва тураржой бинолари, энг сўнгги русумдаги техникалар, компьютерлаштирилган тренажёрлар, кутубхона ёшларимиз ихтиёрида. Уларга катта илмий салоҳият ва ҳаётий тажрибага эга ўқитувчи-офицерларимиз сабоқ беришаяпти. Ўз навбатида, машғулотлар ўқитишнинг илғор услуби асосида ташкил этилаётгани, курсантлар вилоятимиздаги "MAN" ва "ISUZU" каби автомобилсозлик корхоналаридаги замонавий технологиялар билан яқиндан таништирилаётгани уларнинг ўзлари танлаган мутахассислик бўйича билим ҳамда кўникмаларини мустаҳкамлашларида асқотмоқда. Қолаверса, муассасамизда турли конференциялар, анжуманлар, таниқли кишилар билан учрашувлар, бадиий кечалар, спорт мусобақалари ўтказиш ҳам яхши анъанага айланган. Бу бўлажак офицерлар маънавий камолотига хизмат қилаётир. Бинобарин, Президентимиз таъкидлаганидек, бугун кенг билим ва тафаккурга, юксак профессионал ва маънавий-ахлоқий фазилатларга эга бўлган, замонавий фикрлайдиган, интеллектуал жиҳатдан ривожланган, шиддатли тарзда амалга ошириладиган замонавий жанговар ҳаракатлар шароитида, ўз олдига қўйилган вазифаларни муваффақиятли адо этишга қодир бўлган ҳарбий кадрларни самарали тайёрлаш масаласи ҳал қилувчи аҳамият касб этади. Албатта, бу сўзлар олий ҳарбий таълим муассасалари зиммасида юксак масъулият турганининг яна бир ёрқин ифодасидир.

Равшан АЗИМОВ,
Самарқанд олий ҳарбий автомобиль қўмондонлик-муҳандислик билим юрти кафедра бошлиғи ўринбосари, подполковник.

РАҚАМЛАР СЎЗЛАГАНДА

- 1992 йил 14 январь. Республика Олий Кенгашининг "Ўзбекистон Республикаси ҳудудида жойлашган ҳарбий қисмлар ва ҳарбий ўқув муассасалари тўғрисида"ги қарорига мувофиқ, мамлакатимиз ҳудудидаги барча ҳарбий тузилмалар мустақил Ўзбекистон тасарруфига олинди.
- **1993 йил 29 декабрь. Юртимизда 14 январь — Ватан ҳимоячилари куни сифатида белгиланди.**
- 1995 йил 2 сентябрь. Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучлари Академияси очилди.
- **2001 йил январь. Вазирлар Маҳкамасининг қарорига асосан, Тошкент, Марказий, Жанубий-ғарбий ва Шарқий ҳарбий округларда сержантлар тайёрлаш мактаблари ташкил этилди.**
- 2002 йил 12 декабрь. "Умумий ҳарбий мажбурият ва ҳарбий хизмат тўғрисида"ги Қонун қабул қилинди.
- **2012 йил 31 май. Президентимизнинг "Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучлари сафида муддатли ҳарбий хизматни ўтаб бўлган фуқароларга имтиёзлар тизимини такомиллаштиришга оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги қарори қабул қилинди.**
- 2012 йил 10 июль. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг "Тошкент тиббиёт академияси ҳузурида Ҳарбий-тиббиёт факультетини ташкил этиш тўғрисида"ги қарори қабул қилинди.
- 2012 йил 11 сентябрь. Президентимиз "Мардлик" орденини таъсис этиш тўғрисида"ги Қонунга имзо чекди.

ҒУРУР

Гулистон давлат университети магистранти Ўлмасбек Йўлдошевнинг муддатли ҳарбий хизматни ўтагани унинг гап-сўзларидан яққол аён бўлади. Негаки, тўғрисўзлиги, намунали юриш-туриши ва одоб-ахлоқи билан талабалар ўртасида ҳурмат-эътибор қозонган бу йигит аскарлик ҳаётида кўп яхши фазилатларга эга бўлди. Яна болалик орзуси ҳам ушалди. Яъни унинг Гулистон давлат университети физика-математика факультетига ўқишга киришида ҳарбий хизматдан берилган тавсиянома жуда қўл келди. Бакалаврлик дипломини олгач, таълимнинг кейинги босқичини ахборот технологиялари йўналишида давом эттирди.

Ҳар йигитнинг орзуси

— Муддатли ҳарбий хизмат ҳаётимнинг тобланиш палласи бўлди, — дейди Ўлмасбек. — Хусусан, кўзлаган мақсадим йўлида собит ва дадил қадам ташлашни ўргандим. Энг муҳими, эл-юрт равнақига, Ватан тақдири ва келажагига дахлдор эканлигимни теран ҳис этдим.

Ўлмасбек келгусида масофавий таълим бўйича илмий изланишлар олиб боришни режалаштирган. Унинг бу эзгу мақсадига эришишида эса аскарлик туфайли эга бўлган эзгу ҳислати — қатъияти муҳим омил бўлиши, шубҳасиз.

"Камолот" ёшлар ижтимоий ҳаракати қошидаги ўқув-услубий марказ нодавлат таълим муассасаси координатори, гулистонлик Нуриддин Шодиевнинг таржимаи ҳолида ҳам муддатли ҳарбий хизматни намунали ўтаган, деган алоҳида қайд мавжуд. Аммо у Ўлмасбекдан фарқли ўлароқ, ҳарбий либос кийиш орзусига олий ўқув юртини битирганидан сўнг эришди.

— Ўғлимизнинг олий маълумотли мутахассис бўлиб етишганидан қанчалик суюнган бўлсак, Қуролли Кучларимиз сафида йигитлик бурчини шараф билан уддалаганидан янада қувондик, — дейди унинг онаси Зулфинисо Худойқулова. — Ота-она учун Ватан ҳимоясига қодир ўғлонни вояга етказишдан ҳам кўра улуғ бахт борми?! Фарзандимнинг аскарликдан янада мулоҳазакор, вазмин, мард, жасур, тартиб-интизомли инсон бўлиб қайтганини айтмайсизми?! Бу миллий армиямизда замонавий ҳарбий машғулотлар билан бирга, маънавият тарбияси ҳам юксак даражада йўлга қўйилганидан далолат беради.

— Ҳудудимиздан ҳар йили ўндан зиёд йигитлар муддатли ҳарбий хизматга чақирилади, — дейди Боёвут туманидаги "Маданият" маҳалла фуқаролар йиғини раиси Жумабой Худойназаров. — Ўзимизнинг замонавий спорт мажмуамиз бор. Қачон қараманг, у ёшлар билан гавжум. Мажмуада фарзандларимизнинг жисмоний чиниқиши учун барча шарт-шароит яратилган. Бинобарин, ҳарбий хизматни адо этиб, фойдали меҳнат билан шуғулланаётган ўнлаб йигитлар уларга ҳар жиҳатдан ўрнак бўлишмоқда. Масалан, шундай ўғлонларимиздан тўрт нафари эл тинчлигини ҳимоя қилаётган бўлса, икки нафари ўқитувчилик касби билан машғул. Қувонарлиси, қаерда бўлмасин, бу ёшларимиз ҳақида фақат илиқ гаплар, мақтовлар эшитаяпмиз.

Албатта, жамиятдан муносиб ўрин эгаллаб, эътироф қозониш — ҳар йигитнинг орзуси. Бунинг учун эса Қуролли Кучларимиз чинакам ҳаёт мактаби бўлиб хизмат қилаётир.

Аҳмадали ШЕРНАЗАРОВ,
«Халқ сўзи» мухбири.

Ғолиблар тақдирланди

Тошкент Фотосуратлар уйида Мудофаа, Маданият ва спорт ишлари вазирликлари ҳамда Ўзбекистон Бадиий академияси ҳамкорлигида ташкил этилган "Менинг армиям — менинг фахрим" мавзуидаги ижодий ишлар танловининг ғолиб ва совриндорларини тақдирлашга бағишланган тадбир бўлиб ўтди.

ТАНЛОВ

Танловни ўтказишдан мақсад, Қуролли Кучларимиздаги ислоҳотлар, эришилган ютуқлар, юртимиздаги тинчлик ва осойишталикни таъминлашда ҳарбий хизматчиларнинг ҳиссасини кенг тарғиб қилишдир.

Тақдим этилган ижодий ишларда мамлакатимизда мустақиллик йилларида мудофаа соҳасида амалга оширилган ўзгаришлар, ҳар томонлама жисмоний тайёргарликка эга, техник таъминланган армияни ташкил қилиш борасидаги саъй-ҳаракатлар тарғиботига урғу берилган. Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар, Тошкент шаҳридан профессионал ва ҳаваскор рассомлар, фотосуратчилар, санъат йўналишида таҳсил олаётган ўқувчи-ёшларнинг изланишлари ҳайъат аъзолари томонидан баҳоланди.

— Амалий санъатнинг гобилен турига қизиқаман, — дейди Республика дизайн коллежи битирувчиси, танлов ғолиби Мадина Усмонова. — Танловда юртимиз манзаралари тасвирланган ижодий ишларим билан қатнашдим. Улар юқори баҳоланганидан беҳад хурсандман.

Тадбир доирасида Ватан ҳимоячилари ҳаёти ва фаолияти акс этган кўргазма ҳам очилди.

М. ХОЛМАТОВА.

Аҳди қатъий, билимли ва шижоатли

Марказий Осиёда ягона бўлган Жиззах олий ҳарбий авиация билим юрти Ҳарбий ҳаво кучлари ҳамда Қуруқликдаги қўшинларнинг вертолёт авиацияси таркибини чуқур билимга эга, замонавий фикрлайдиган, интеллектуал етук офицерлар билан бойитишга муносиб ҳисса қўшаётган нуфузли таълим даргоҳларидан биридир.

ЭЪТИБОР

1994 йилда ташкил этилган мазкур муассасада бугун бешта мутахассислик бўйича офицерлар тайёрланмоқда.

— Миллий армиямизни профессионал асосда шакллантириш борасида амалга оширилаётган кенг кўламли ислоҳотлар самарасида олий ҳарбий таълим муассасамизнинг моддий-техник базаси мустаҳкамланиб, шарт-шароитлар тубдан яхшиланди, — дейди ҳарбий билим юрти бошлиғининг тарбиявий ишлар бўйича ўринбосари, подполковник Меҳриддин Кўчқоров. — Хусусан, ўтган давр мобайнида ўқув бинолари, ётоқхоналар реконструкция қилиниб, кўркам қиёфага келтирилди. Мавжуд кафедралар, авиация мутахассислари малакасини ошириш ва қайта тайёрлаш курси ўқув хоналари илғор техника ҳамда технологиялар билан жиҳозланди. 2002 йилга келиб, ўқиш муддати 5 йил қилиб белгиланди. Юқори малакали авиация мутахассисларини тайёрлаш, махсус ва умумҳарбий фанларни сифатли ўқитиш учун кўргазмали воситалар, ўқув қўлланмалари, электрон дарсликлар, учиш аппаратлари моделлари ҳамда аэродромларнинг макетлари тайёрланди. Ҳозир бўлғуси учувчилар парвоздан олдин энг замонавий тренажёрларда кўникмаларини оширишмоқда.

Дарҳақиқат, бўлажак мутахассисларга катта илмий ва ҳаётий тажрибага эга офицерлар, профессор-ўқитувчилар сабоқ бераётгани, замонавий аудиториялар, лабораториялар, спорт заллари ва майдончалари, компьютер, симуляция ва моделлаштириш синфлари, электрон кутубхона курсантлар маҳоратини оширишга хизмат қилаяпти. Офицер кадрларни тайёрлаш сифатини янада яхшилаш, уларнинг илмий тафаккурини шакллантириш, мустақил илмий изланишлар олиб бориш, конструкторлик ва рационализаторлик ишларини ривожлантириш мақсадида ҳар бир кафедра қошида ҳарбий-илмий тўгараклар фаолият кўрсатаяпти.

Курсантларга учувчилик сирлари билан бирга, хушёрлик ва сезгирлик, қатъият ва масъулият кўникмаларини оширувчи, аждодлар меросидан сўзловчи маънавий-маърифий билимлар чуқур ўқитилмоқда.

— Машғулотларнинг инновацион технологиялар асосида ўтилаётгани, хорижий тиллар чуқурлаштирилган ҳолда ўқитилаётгани билимимиз мустаҳкамланиб, маҳоратимиз ошишида муҳим омил бўлаяпти, — дейди курсант Элбек Эшбоев. — Мақсадим — ўз касбимнинг ҳақиқий устаси бўлиб, мусаффо осмонимизни ҳимоя қилиш.

Тожиддин ҚАМАРОВ,
«Халқ сўзи» мухбири.

Халқ сўзи
Народное слово

МУАССИСЛАР:
Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси Кенгаши, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати Кенгаши ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси

Бош муҳаррир Ўткир РАҲМАТОВ

2008 йил 15 январда Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида 0001-рақам билан рўйхатга олинган. Нашр индекси — 229. Буюртма Г — 167. 152 121 нусхада босилди, ҳажми — 2 табоқ. Офсет усулида босилган. Қоғоз бичими А—2. Баҳоси келишилган нархда.

ТЕЛЕФОНЛАР:
Девонхона 233-52-55;
Котибият 233-10-28; Эълонлар 232-11-15.

ISSN 2030-6788

Таҳририятга келган қўлёзмалар тақриз қилинмайди ва муаллифга қайтарилмайди.
Реклама материаллари учун таҳририят жавобгар эмас.

Газета таҳририят компьютер марказида терилди ҳамда оператор Ж. Тоғаев томонидан саҳифаланди.

МАНЗИЛИМИЗ:
100000,
Тошкент шаҳри,
Матбуотчилар кўчаси, 32-уй.

Навбатчи муҳаррир — Ф. Бўтаев.
Навбатчи — М. Холматова.
Мусаҳҳиҳ — С. Исломов.

«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонаси. Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41. ЎзА якуни — 21.15 Топширилди — 22.40 1 2 3 4 5